

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИМОВ ЖАЛОЛИДДИН УСМОНХОН ЎҒЛИ

**ПРОСТАТА БЕЗИ САРАТОНИДА КОМОРБИД УРОЛОГИК
ПАТОЛОГИЯНИНГ КУЗАТУВ ТЕРАПИЯСИГА
МУЛЬТИДИСЦИПЛИНАР ЁНДАШУВ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Алимов Жалолиддин Усмонхон ўғли

Простата беги саратонида коморбид урологик

патологиянинг кузатув терапиясига

мультидисциплинар ёндашув 3

Алимов Жалолиддин Усмонхон угли

Мультидисциплинарный подход к сопроводительной

терапии коморбидной урологической патологии

при раке предстательной железы 27

Alimov Jaloliddin Usmonkhon ugli

Multidisciplinary approach to accompanying

therapy of comorbid urological

pathology in prostate cancer..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 55

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИМОВ ЖАЛОЛИДДИН УСМОНХОН ЎҒЛИ

**ПРОСТАТА БЕЗИ САРАТОНИДА КОМОРБИД УРОЛОГИК
ПАТОЛОГИЯНИНГ КУЗАТУВ ТЕРАПИЯСИГА
МУЛЬТИДИСЦИПЛИНАР ЁНДАШУВ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.2PhD/Tib3649 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарканд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cancercenter.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тилляшайхов Мирзагалеб Нигматович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мухаммедаминов Шухрат Каримджанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Гайбуллаев Асилбек Асадович
тиббиёт фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ куни соат 14.00 ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 383-уй. Тел.: (+99871) 227-13-27, факс: (+99871) 246-15-96, e-mail: info@cancercenter.uz).

Диссертация Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____-сон билан рўйхатдан ўтказилган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383-уй. Тел.: (+99871) 227-13-27, факс: (+99871) 246-15-96.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М.А. Гофур-Охунов

Илмий даражалар бериш бўйича илмий Кенгаш
раис ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А. Адилходжаев

Илмий даражалар бериш бўйича илмий Кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Х. Ходжибеков

Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида простата бези саратони (ПБС) глобал ижтимоий-иқтисодий муаммо сифатида кўрилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «Простата бези саратони дунёда эркактар орасида 3 ўринни эгаллаган ҳолда, ҳар йили 600 мингга яқин бирламчи касаллик сифатида қайт этилади»¹. Сўнгги ўн йил ичида бирламчи аниқланган ПБС ва ундан ўлим сонининг кескин ўсиши касалликни замонавий ташхислаш ва комплекс даволашни яхшилашни талаб қилди. Простата бези саратонида қовуқнинг гиперфаоллиги, уларнинг жисмоний ҳолати ва психо-эмоционал фаровонлигига таъсир қилиши туфайли, беморларнинг ҳаёт сифатини сезиларли даражада пасайтиради. Мавжуд даволаш усуллари ҳар доим ҳам самарали эмаслигини ва сезиларли ножўя таъсирга эга бўлиши мумкинлигини ҳисобга олсак, янги тиббий стратегияларни излаш, айниқса турли хил терапевтик ёндашувларни комплекс қўллаш долзарб ҳисобланади.

Жаҳонда простата бези саратони диагностикаси ва даволаш соҳасида бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, улар қуйидагилардан иборат: простата бези саратони ва қовуқнинг гиперфаол синдромини даволашнинг турли комбинацияларини олган беморлар гуруҳларида урофлоуметрик ва цистометрик параметрларнинг ўзгаришини қиёсий таҳлил қилиш, назорат ва экспериментал гуруҳлардаги беморларда андроген деприватив терапиясининг простата ўзига хос антигени даражасига ва простата ҳажми таъсирини баҳолаш, жисмоний машқларнинг дори воситалари билан биргаликда урофлоуметрик ва цистометрик параметрларни яхшилашга, шунингдек симптоматикага таъсирини таҳлил қилиш, таклиф қилинган терапиянинг простата бези саратонини даволашнинг бевосита натижаларига таъсирини ўрганиш, ушбу тоифадаги беморларда комплекс терапиянинг самарадорлигини йўқлиги ёки пасайтириш хавфини оширадиган прогностик омилларни аниқлаш. Аммо, онкология амалиётида простата бези саратонини ташхислаш имкониятларини кенгайтириш, махсус ўрганишни талаб қилади ва исботланганлик даражасини оширадиган истиқболли илмий тадқиқотларни юритиш муҳим илмий-амалий йўналишлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, бу соҳани ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, простата бези саратони хавfli ўсмаларини ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллари амалда қўллаш, тиббий ёрдам сифатини янги босқичга кўтариш, ушбу касалликдан ногиронлик ва ўлимни камайтириш имконини беради. Даволашнинг муваффақиятига таъсир қилиши мумкин бўлган прогностик омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш даволашга ёндашувларни оптималлаштиради, уларни янада мақсадли ва индивидуал қилади. Ушбу тадқиқотнинг долзарблиги замонавий соғлиқни сақлашнинг энг муҳим тиббий ва ижтимоий муаммоларидан бири бўлган

¹ЖССТ 2018 йилги маълумотлари

гиперфаол қовуқ билан биргаликда простата беши саратонини даволашда янги комплекс ёндашувларни излаш ва ишлаб чиқиш зарурати билан боғлиқ. Шу муносабат билан Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, онкологик касалликларни, эрта ташхислаш ва самарали даволаш йўналтирилган чора-тадбирларни ўтказишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан, «Аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича»² вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, замонавий текшириш усулларнинг простата беши саратонини ташхислашдаги имкониятларини баҳолаш самарадорлигини оширишни такомиллаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2866-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, простата саратони эркаклар орасида кенг тарқалган иккинчи хавфли ўсма бўлиб, ўпка саратонидан кейин иккинчи ўринда туради. 2018 йилда касалликнинг 1,2 миллиондан ортиқ янги ҳолатлари аниқланди, бунинг натижасида тахминан 359 минг киши ўлимга олиб келди, бу эркаклар ўртасидаги саратон касаллигидан ўлимнинг 3,8 фоизини ташкил қилади. Простата саратони ривожланишига энг мойил бўлган ёш гуруҳи 66 ва ундан катта ёшдаги эркаклардир (Равла П. 2019). Простата саратони билан касалланишнинг глобал ўзгарувчилари ПСА тестини амалга оширишдаги мамлакатлар ўртасидаги фарқларга боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, Европада простата беши саратони эркакларда энг кўп учрайдиган саратон касаллиги бўлиб, 2018 йилда барча янги ҳолатларнинг 24% ни ташкил қилган ва тахминан 450 000 та янги ҳолатлар аниқланган (Karpen S, de Vosk

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

GH, Sirri E, Vohmann C, 2021).

Дунё замонавий онкология амалиётида беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш муаммоси даволаш самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан биридир. (Зиксернов Г.К., Кошель А.П., 2018 йил). Простата беzi саратони профилактикаси муносабати билан, USPSTF-(United States preventive services taskforce) Америка мақсадли гуруҳи саратоннинг ушбу туридан ўлимни камайтиришда потепциал самарани кўрган ҳолда, 55-69 ёшдаги эркакларда ПСАга скринингни тавсия қилади. Бироқ, 70 ёшдан ошган эркаклар учун скрининг самарадорлиги унчалик ишонарли эмас (Rawla P., 2019). Саратоннинг барча турларининг муҳим концепцияси муваффақиятли даволаш ва соғлиғини сақлаш учун беморларни эрта аниқлаш зарурати ҳисобланади. Бироқ, простата беzi саратонининг аксарият ҳолатлари секин ривожланиш характериға эға эканлиги сабабли ("хавфи паст" ўсма деб таснифланади), эркаклар фаол кузатув стратегиясини хавфсиз қўллаш орқали тезда даволаниш ва унга боғлиқ ножўя таъсирлардан қочишлари мумкин (Skowronek J., 2013). Гиперфаол қовуқ муаммосини муҳокама қилганда, муқаррар равишда унинг замонавий тиббиётда долзарблиги ҳақидаги савол пайдо бўлади. Гиперфаол қовуқ тез-тез ва кутилмаган пешоб чиқариш истаги билан бирға келадиган энг кенг тарқалган урологик касалликлардан биридир. Кўпгина беморлар учун бу ҳолат уларнинг ҳаёт сифатиға кучли таъсир қилади ва ижтимоий изоляцияға олиб келиши мумкин. Шу билан бирға, простата беzi саратонида қовуқнинг гиперфаоллигини ташхислаш ва даволаш масалалари ҳали ҳам тадқиқот мавзуси бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда бугунги кунға қадар эркаклар жинсий соҳаси ўсмаларининг эпидемиологияси, диагностикаси ва даволаш соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, масалан: простата беzi саратонини эрта ташхислашда замонавий тадқиқот усулларининг имкониятлари (Д.А. Худайбердиева, 2023), тарқалган простата беzi саратонини даволашда замонавий ёндашувлар (Ш.Х. Юсупов, 2019), аммо простата беzi саратонида ҳамроҳ урологик патологияни даволашнинг хусусиятлари ўрганилмаган. Юқорида айтилганларнинг барчаси катта илмий ва амалий қизиқиш уйғотади ва бу эса онкологияда долзарб ва амалий муҳим ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий тадқиқот режасиға киритилган.

Тадқиқотнинг мақсади: простата беzi саратонида қовуқ гиперфаол синдроми бўлган беморларда даволаш натижалари ва ҳаёт сифатини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

простата беzi саратонида қовуқ гиперфаол синдромини даволашнинг турли комбинацияларини олган беморлар гуруҳларидаги урофлоуметрик ва цитометрик кўрсаткичлардаги ўзгаришларни солиштириш;

беморларда андроген терапиясининг простата специфик антигени даражаси ва простата ҳажмиға таъсирини баҳолаш;

жисмоний машқлар ва махсус терапия спецлечения билан бирга қўлланилганда, урофлуометрик ва цистометрик кўрсаткичлар яхшиланиши, қолаверса симптомларга қандай таъсир қилишини таҳлил қилиш;

ушбу терапиянинг простата беzi саратонини даволашнинг бевосита натижаларига таъсирини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти. бўлиб 2020 йилдан 2024 йилгача Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалида ва Самарқанд вилоят ҳудудлараро Хосписида даволанган 150 нафар гиперфаол қовуқ билан простата беzi саратони беморлари олинди.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб нур текширув усуллари, гистологик текширув, уродинамик текширув маълумотлари натижалари олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида нур, патогистологик текширув ва статистик таҳлил усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

простата беzi саратонида “фаол қовуқ синдромини” даволашда андроген депривацион терапия жисмоний машқлар билан сийдиқ қопи қоникарли қискариши ҳисобига қўлланиши асосланган;

простата беzi саратони комплекс терапияда урофлуометрик ва цистометрик параметрларлар динамикаси асосида 3 босқичли терапия қўлланиши исботланган;

простата беzi саратони даволашда 2 даражадаги тана вазни индекси ва паст жисмоний ҳаракатланиши, кимётерапия таъсири чекланиши ҳисобига салбий прогностик омиллар эканлиги исботланган;

простата беzi саратони даволашда урофлуометрик ва цистометрик кўрсаткичларнинг динамикаси асосида тизимли депривацион ва иммуно таргет терапияни қўллаш асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

простата беzi саратонида қовуқни гиперфаол комплекс даволашда тос асоси мушакларини мустаҳкамлаш бўйича машқлар комплекси ишлаб чиқилган;

даволаш самарадорлигини оширувчи ва ушбу тоифадаги беморларнинг ҳаёт сифатини яхшиловчи қовуқ гиперфаоллиги ва простата беzi саратони беморлари учун индивидуал ўқув дастурлари ва тавсиялари ишлаб чиқилган;

простата беzi саратонида қовуқни гиперфаол даволаш самарадорлигининг прогностик омиллари ижобий таъсир кузатилиш эҳтимолига қараб самарадорликнинг прогноз гуруҳлари қийматлари аниқланган;

Тадқиқотнинг натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган замонавий усул ва ёндашувларнинг мувофиқлиги, олинган натижаларнинг назарий маълумотлар билан мувофиқлиги, ўтказилган тадқиқотларнинг услубий асослилиги, беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотларда замонавий ва статистик усуллардан фойдаланганлик, олинган натижаларни хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланиши ва тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, натижалар ва хулосалар простата беzi саратонида қовуқ гиперфаоллигини ташхислаш ва даволаш муаммосини ўрганишга катта ҳисса қўшади ва олинган натижалардан талабалар, клиник ординаторлар ва магистрларнинг ўқув жараёнида алоҳида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, қовуқ гиперфаоллиги ва простата беzi саратонида асосий уродинамик параметрларни, простата беzi саратонида қовуқнинг гиперфаоллигини даволаш самарадорлигининг прогностик омилларини аниқлашни, ижобий таъсир эҳтимоли ва уларнинг даволашнинг бевосита таъсирига қараб самарадорлик прогнози гуруҳларини аниқлашни амалиётга жорий этиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг жорий қилиниши. Простата беzi саратонида коморбид урологик патологиянинг кузатув терапиясига мультидисциплинар ёндашув бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: простата беzi саратонида “фаол қовуқ синдромини” даволашда андроген депривацион терапия жисмоний машқлар билан сийдиқ қопи қоникарли қисқариши ҳисобига қўлланиши асосланган; Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Сирдарё филиали 19.06.2024-йилдаги 65-сонли буйруги билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 26.08.2024 йилдаги 5-сон гувоҳномаси). Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Жиззах филиали 19.06.2024-йилдаги 7-сонли буйруги билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 26.08.2024 йилдаги 5-сон гувоҳномаси) *Ижтимоий самарадорлиги:* Давонинг самарадорлигини ва ушбу тоифадаги беморларнинг энг яхши даволаш натижаларини таъминлаш учун терапевтик чораларни янада кузатиш ва созлаш зарурлигини кўрсатади. 6 ойлик терапиядан кейинги маълумотларни дастлабки натижалар ва қисқа муддатлардан кейинги натижалар билан таққослаб, иккала гуруҳдаги симптомлар даражасида сезиларли яхшиланишни қайд этишимиз мумкин. *Иқтисодий самарадорлиги:* Тўлиқ бўшанмаслик аломатлари бўлмаган беморларнинг улуши 1-гуруҳда 36,9% дан 53,8% гача ва 2-гуруҳда 23,6% дан 36,4% гача ўсди. Ушбу натижалар терапиянинг ушбу тоифадаги беморларда уродинамик бузилишлар белгиларига давомли ва ижобий таъсирини кўрсатади. *Хулоса:* маълумотларни таҳлил қилиш назорат гуруҳи ва қовуқнинг гиперфаол терапиясиз андроген деприватив терапия гуруҳига нисбатан асосий гуруҳ беморларида простата ўзига хос антигени даражасининг сезиларли даражада пасайишини кўрсатди. Шунингдек, асосий гуруҳдаги беморларда простата ҳажмининг сезиларли пасайиши кузатилди, бу қўлланиладиган комплекс терапиянинг юқори самарадорлигини кўрсатади.

иккинчи илмий янгилик: простата беzi саратони комплекс терапияда урофлоуметрик ва цистометрик параметрларлар динамикаси асосида 3

босқичли терапия қўлланиши исботланган; Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Сирдарё филиали 19.06.2024-йилдаги 65-сонли буйруги билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 26.08.2024 йилдаги 5-сон гувоҳномаси). Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Жиззах филиали 19.06.2024-йилдаги 7-сонли буйруги билан амалиётга жорий этилган . (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 26.08.2024 йилдаги 5-сон гувоҳномаси) *Ижтимоий самарадорлиги*: Простата беи саратони ва қовуқнинг гиперфаол синдроми бўлган беморларда терапия бошланишидан олдин ва 1, 3 ва 6 ойлик терапиядан сўнг урофлоуметрик параметрларни ўрганиш урологик тизимнинг дастлабки функционал ҳолатини барча гуруҳларда солиштириш мумкинлигини кўрсатди. *Иқтисодий самарадорлиги*: Маълумотлар урологик кўрсаткичларни узок муддатли мониторинг қилиш муҳимлигини ва вақт ўтиши билан терапия натижаларининг самарадорлиги ва барқарорлигини баҳолаш учун кейинги тадқиқотлар зарурлигини таъкидлайди. Умуман олганда, тадқиқот даволаш самарадорлигини баҳолашда урофлоуметрик параметрларни таҳлил қилиш ва ушбу ҳолатлардаги беморларга индивидуал ёндашувларни ўрнатиш муҳимлигини кўрсатди. Простата беи саратони ва қовуқ гиперфаол бўлган беморларда уродинамик параметрларни ўрганиш доирасида уретрал функцияни, детрузор фаоллигини ва пешоб чиқариш тизимининг умумий функциясини ҳар томонлама баҳолаш амалга оширилди. *Хулоса*: Натижалар простата беи саратони ва гиперфаол қовуқли беморларда уродинамик баҳолаш муҳимлигини ва даволаш самарадорлигини мониторинг қилиш учун унинг аҳамияти катта эканлигини кўрсатди.

учинчи илмий янгилик: простата беи саратони даволашда 2 даражадаги тана вазни индекси ва паст жисмоний ҳаракатланиши, кимётерапия таъсири чекланиши ҳисобига салбий прогностик омиллар эканлиги исботланган; Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Сирдарё филиали 19.06.2024-йилдаги 65-сонли буйруги билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 26.08.2024 йилдаги 5-сон гувоҳномаси). Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Жиззах филиали 19.06.2024-йилдаги 7-сонли буйруги билан амалиётга жорий этилган . (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 26.08.2024 йилдаги 5-сон гувоҳномаси) *Ижтимоий самарадорлиги* қовуқ гиперфаоллиги ва простата беи саратони бўлган беморларда терапия самарадорлигига таъсир қилувчи прогностик омилларнинг чуқур таҳлили келтирилган. Тадқиқот тана массаси индекси, ҳамроҳ касалликларнинг ҳолати, беморнинг турмуш тарзи (шу жумладан чекиш ва алькогол истеъмол қилиш), ўсманинг локализацияси, Т ва N тизимига мувофиқ саратон босқичи, Глиссон шкаласи каби параметрларни ҳисобга олган ҳолда мултифакториал ёндашувни, шунингдек, бир қатор урологик ва цистометрик кўрсаткичларни ўз ичига олади. *Иқтисодий*

самарадорлиги: Таҳлил шуни кўрсатдики, юқори тана вазни индекси, ҳамроҳ касалликларнинг мавжудлиги (айниқса, жигар, юрак-қон томир ва эндокрин тизимлар касалликлари), кам ҳаракат ҳаёт тарзи, чекиш ва алкоголь истеъмол қилиш каби ҳолатлар даволашда ижобий динамикага эришиш имкониятини камайтиришга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. *Хулоса:* Ушбу кўрсаткичларни актуаллаш ҳар бир беморнинг индивидуал прогностик омилларини ҳисобга олган ҳолда терапевтик стратегияларни эрта модификация қилиш имкониятини беради.

тўртинчи илмий янгилик: простата беzi саратони даволашда урофлуометрик ва цистометрик кўрсаткичларнинг динамикаси асосида тизимли депривацион ва иммуно таргет терапияни қўллаш асосланганлиги простата беzi саратони даволашда урофлуометрик ва цистометрик кўрсаткичларнинг динамикаси асосида тизимли депривацион ва иммуно таргет терапияни қўллаш асосланган. *Ижтимоий самарадорлиги:* RECIST мезонлари бўйича баҳолаш (ўсманинг тўлиқ регрессияси, ўсманинг қисман регрессияси, жараённинг стабилизацияси ва прогрессияланиши) назорат гуруҳлари билан таққослаганда асосий гуруҳда танланган терапевтик ёндашувнинг юқори самарадорлигини тасдиқлади. Шу билан бирга, асосий гуруҳда ўсманинг тўлиқ регрессиясининг сезиларли миқдори қайд этилди, бу даволашда комбинацияланган ёндашувнинг афзаллигини кўрсатади. Бу тадқиқотлар медикаментоз даволаш, жисмоний машқлар ва зарур бўлса, андроген деприватив терапияни ўз ичига олган комплекс даволашни жорий этиш, простата беzi саратони ва қовуқ гиперфаоллиги синдромини даволаш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш мумкин деган гипотезасини тасдиқлайди. Нафақат простата ўзига хос антигени даражасининг пасайиши ва простата ҳажмининг кичрайиши, балки беморларнинг умумий соғлиғининг яхшиланиши ҳам кузатилди. *Иқтисодий самарадорлиги:* Персоналлашган терапевтик стратегияларни ишлаб чиқиш учун янги истиқболларни таклиф қилган ҳолда, простата беzi саратони ва қовуқ гиперфаоллигини даволаш яқунлари бўйича прогностик омиллар комплекс таъсирини тушунишга муҳим ҳисса қўшади. Бу беморнинг аҳолини баҳолаш ва даволаш усулларини танлашга комплекс ёндашув муҳимлигини таъкидлайди ва бу касалликнинг прогнозини сезиларли даражада яхшилади ва энг самарали тиббий аралашувни таъминлайди. *Хулоса:* Мукамаллашган терапия простата беzi саратони ва қовуқ гиперфаоллиги бўлган беморларда урологик функцияларга сезиларли ижобий таъсир кўрсатишини тасдиқлайди ва бу урологик амалиётда самарали даволаш протоколлари ва стратегияларини ишлаб чиқиш учун асос яратади.

Ж.У. Алимовнинг «Простата беzi саратонида коморбид урологик патологиянинг кузатув терапиясига мультидисциплинар ёндашув» мавзусидаги диссертация тадқиқотида олинган мавзусидаги диссертация тадқиқотида олинган юқоридаги 4 та илмий янгилик ва 2 та амалий услубий қулланма бошқа соғлиқни сақлаш муассаларига жорий этиш бўйича Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2024-йилдаги 31-июлдаги №7853-сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган.

Илмий натижаларнинг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 2 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 1 та халқаро ва 1 та республика миқёсида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та илмий мақола, жумладан, 7 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва қўланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилаётган тадқиқотнинг долзарблиги ва талаб борлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва техникасининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилганлиги, нашр этилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши келтириб ўтилган.

Диссертациянинг **“Простата беши саратонида даволаш, кузатув урологик патологияни кўмаклашувчи терапияси муаммосига замонавий қарашлар”** номли биринчи бобида простата беши саратони эпидемиологияси, этиологияси, патогенези, диагностикаси ва даволаш масалаларига бағишланган адабиётларга шарҳ беради. Замонавий диагностика усулларига, пастки сийдик йўллариининг морфофункционал ҳолатини объектив баҳолашга ёндашувларга алоҳида эътибор берилади. Ривожланиш тарихи ва простата саратони ташхиси ва даволашнинг сўнгги тенденциялари батафсил тавсифланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотнинг материал ва усуллари”** деб номланувчи иккинчи бобида диссертацияда қўлланилган тадқиқотнинг материал ва усуллари батафсил баён этилган. Тадқиқот учун материаллар 2020 йилдан 2024 йилгача Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали ва Самарқанд вилоят ҳудудлараро Ҳосписида ўтказилган клиник тадқиқот доирасида тўпланган. Асосий маълумотлар тўпламига простата беши саратони ташхиси қўйилган ва қовуқнинг гиперфаоллиги кўринишидаги урологик патологияси бўлган беморлар ҳақидаги маълумотлар киритилган.

Асосий материаллар сифатида қўйидагилар қўлланилди:

Беморларнинг тиббий карталари; лаборатория ва инструментал текширув натижалари; уродинамик тестлар натижалари; гистологик текширув маълумотлари; даволаш ва кузатув протоколлари; беморлар орасида тўпланган ҳаёт сифати анкеталари.

Тадқиқот тури: Проспектив, рандомизацияланган, бошқариладиган клиник тадқиқот.

Тадқиқот иштирокчилари: Асосий гуруҳ: Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали ва Самарқанд вилоят ҳудудлараро Ҳосписи шароитида коморбид уролог патология (гиперфаол қовуқ синдроми) бўйича антроген депривацион терапия фонида, комбинирлашган медикаментоз терапия билан биргаликда, тос туби мушакларини мустаҳкамлаш учун физик машқлар кўринишида комплекс кўмаклашувчи терапия ўтказилган простата беи саратони билан касалланган 65 нафар бемор.

Назорат гуруҳ: Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали ва Самарқанд вилоят ҳудудлараро Ҳосписи шароитида даволанган коморбид уролог патология гиперфаол қовуқ синдроми бўйича антроген депривацион терапия фонида, гиперфаол қовуқ синдроми комбинирлашган медикаментоз терапияси кўринишида комплекс кўмаклашувчи терапия ўтказилган простата беи саратони билан касалланган 55 нафар бемор. Гиперфаол қовуқни терапиясиз анроген деприватив терапия гуруҳи Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали ва Самарқанд вилоят ҳудудлараро Ҳосписи шароитида даволанган 30 бемор.

Киритиш мезонлари: Тасдиқланган простата беи саратони ташҳиси; узоқ аъзоларда метастазларнинг йўқлиги; тадқиқотда иштирок этиш учун имзоланган информацияланган розилик.

Истисно мезонлари: Бошқа онкологик касалликларнинг мавжудлиги; кўмаклашувчи терапия таркибий қисмларига аллергиянинг борлиги тарихи.

Тадқиқот ўтказиш: Беморларни уч гуруҳга рандомизация қилиш; бирламчи ва иккиламчи бошланғич кўрсаткичларни аниқлаш; тегишли шкала ва инструментлар ёрдамида беморларнинг аҳволини мунтазам равишда мониторинг қилиш ва баҳолаш; стационарда қолиш муддати ҳақида маълумот тўплаш; тадқиқот давомида рецидив ва умумий яшовчанлик ҳолатларини рўйхатдан ўтказиш.

Простата ультратовуш текшируви безнинг шакли, ҳажми ва тузилишини баҳолашнинг бирламчи скрининг усули ҳисобланади. Ушбу иш доирасида трансректал ультратовуш диагностикаси (ТРУТТ) ишлатилган. Чунки у ўсма жойларини аниқлашда ва хавfli ва хавфсиз ўзгаришларнинг дифференциал диагностикасида юқори сезувчанликка эга.

КТ-сканирлаш ўсманинг маҳаллий ва узоқ тарқалишини баҳолаш учун, айниқса лимфа тугунлари ва суяк тизимидаги метастазларни аниқлаш учун қўлланилди. Ушбу ишда контрастли мултиспирал КТдан фойдаланилди.

Бизнинг тадқиқотимиз 100 нг/мл дан юқори простата специфик антигени даражасининг кескин юқори миқдори, юқори 9-10 Глисон индекси, магнит-резонанс томография (МРТ) билан тасдиқланган ўсма жараёнининг кенг маҳаллий тарқалиши, шунингдек метастатик шикастланган кичик чанок лимфа тугунлари бўлган беморларни қамраб олади.

Пешоб чиқариш частотасини ва пастки пешоб йўллариининг бошқа

аломатларини баҳолаш сўровномалар ёрдамида амалга оширилади, масалан, анамнез тўплашни стандартлаштириш ва маълумотларнинг талқинини яхшилаш имконини берувчи International Prostate Symptom Score (IPSS).

Қуйида симптомлар рейтинги учун саволлар ва шкалалар ва пешоб симптомлари (I-PSS - простата симптомлари индекси) бўйича ҳаёт сифати ва пешоб симптомлари туфайли ҳаёт сифатини баҳолаш келтирилган:

Пешоб чиқаришни баҳолашнинг функционал уродинамик мезонларига урофлометрия, пешоб оқимининг энг юқори тезлигини ўлчаш, пешоб чиқаришдан кейин пешобнинг қолдиқ ҳажмини аниқлаш, пешоб чиқариш частотаси симптомларини аниқлаш, шунингдек простата симптомлари шкаласи IPSS бўйича сўровномаси натижалари киритилган. Максимал пешоб оқими (Q_{max}) урофлометрия билан ўлчанадиган асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб, пешоб чиқариш тезлигини аниқлашга ёрдам беради.

Кўмаклашувчи терапия шунингдек антихолинергик препарат толтеродин тартрат, алфа 1 адреноблокаторлари (тамсулозин) ва фторхинолон антибиотик терапиясидан фойдаланишни ўз ичига олган. Медикаментоз терапиядан ташқари, асосий гуруҳ беморларига тос туби мушакларини кучайтириш учун машқлар тўплами тавсия этилди.

Маълумотларга ишлов бериш StatTech v. 4.0.4 (ишлаб чиқарувчи - ООО "Статтех", Россия) статистик дастурий таъминот ёрдамида амалга оширилди. Асосий натижалар Студентнинг t-мезони ёки мустақил намуналар учун Манн-Уитни U-тести ёрдамида таққосланди. Категориял ўзгарувчилар учун х-квадрат тест ёки Фишер аниқ тести ишлатилди. Яшовчанлик даражаси Каплан-Майер усули билан таҳлил қилинди ва лог-ранг тести ёрдамида таққосланди. Кўп ўлчовли таҳлил Кокс модели ёрдамида амалга оширилди.

Диссертациянинг **“Простата беши саратони беморларида қовуқ гиперфаоллигини даволашда тадқиқот гуруҳлари хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш ва урологик симптомлар динамикасини таҳлил қилиш”** деб номланган учинчи бобида биз қовуқнинг гиперфаол синдроми билан оғриган беморларда простата саратонининг асосий бемор хусусиятлари ва ўсма параметрларининг қиёсий таҳлилинини ўтказдик.

Ўсма локализацияси, ўсма жараёнининг босқичи, метастазларнинг мавжудлиги, Глиссон шкаласи ва ISUP бўйича таснифлаш, шунингдек, саратон ривожланишининг хавф гуруҳи каби параметрларни таҳлил қилинди. Бу гуруҳлар орасида асосий параметрларнинг тақсимланиши бир ҳиллигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида амалга оширилди.

Статистик таҳлил шуни кўрсатдики, простата специфик антигени даражалари бўйича гуруҳлар ўртасидаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас ($p > 0,05$).

Простата ҳажмининг ўртача қийматлари ҳам гуруҳлар ўртасида ўхшаш бўлиб, асосий гуруҳда 67 ± 35 см³, назорат гуруҳида 66 ± 41 см³ ва қовуқнинг гипер фаол терапиясиз андроген деприватив терапия гуруҳида 64 ± 34 см³ ни ташкил этди ва бу статистик жиҳатдан сезиларли фарқларсиз эди ($p > 0,05$).

Тақдим этилган маълумотлардан келиб чиқадиги, тадқиқот гуруҳлари ўртасида простата специфик антиген даражаси ва простата ҳажмининг

тақсимланиши кўп қийматлар оралиғида таққосланадиган бўлиб, бу параметрлар бўйича ўрганилаётган популяцияларнинг бир хиллигини кўрсатиши мумкин (1-жадвал).

1 -жадвал

Тадқиқот гуруҳларида простата специфик антигени (ПСА) даражаси ва простата ҳажмининг қиёсий таҳлили

Мезон	Асосий гуруҳ (n=65)			Назорат гуруҳи (n=55)			ҚГФ терапиясиз АДТ гуруҳи (n=30)		
	ab s	M±m,%	P	ab s	M±m,%	P	ab s	M±m,%	P
ПСА									
10 нг/мл дан кам.	31	47,69±6,2	$\chi^2 = 35,231; p = 0,000$	27	49,09±6,74	$\chi^2 = 3,091; p = 0,080$	17	56,67±9,05	$\chi^2 = 27,667; p = 0,000$
10-15 нг/мл.	13	20±4,96		12	21,82±5,57		6	20±7,3	
15-20 нг/мл.	6	9,23±3,59		4	7,27±3,5		4	13,33±6,21	
20-50 нг/мл.	11	16,92±4,65		8	14,55±4,75		2	6,67±4,55	
50 нг/мл дан кўп.	4	6,15±2,98		4	7,27±3,5		1	3,33±3,28	
P	Пирсоннинг Хи-квадрати = 3,233; p = 0,919								
Простата ҳажми	67±15,08			66±14,9			64,99±14,38		

Тақдим этилган жадвалнинг таҳлили простата беши саратонини қовуқнинг гипрефаолни ҳисобга олган ҳолда урологик даволаш билан биргаликда беморларни парвариш қилишда мултидисциплинар ёндашув зарурлигини таъкидлайди. Қовуқ детрузорига салбий таъсирни минималлаштирадиган даволаш усуллари танлашга, шунингдек, индивидуал реабилитация дастурини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Эрталаб уйғонишдан то ётишгача бўлган пешоб чиқариш сони бўйича барча гуруҳ иштирокчиларининг кўпчилигида 8-14 марта пешоб чиқариш кузатилган: асосий гуруҳда: ≤7 марта - 32,3%, 8-14 марта - 49,2%, ≥15 марта - 18,5%, назорат гуруҳида: ≤7 марта-30,1%, 8-14 марта - 47,3%, ≥15 марта - 21,8%, қовуқнинг гиперфаол терапиясиз андроген деприватив терапия гуруҳида: ≤7 марта - 30,0%, 8-14 марта - 50%, ≥15 марта - 20%.

Барча гуруҳларда ҳожатхонага бориш билан боғлиқ ҳолда эрталабдан олдин тунда уйғониш сонини тақсимлашда ўхшашлик бор, бу ерда иштирокчиларнинг катта қисми тунда 1 ёки 2 марта уйғониши кузатилди: асосий гуруҳда: 0 марта - 21,5%, 1 марта - 32,3%, 2 марта-35,4%, ≥3 марта-10,8%, назорат гуруҳида: 0 марта - 18,2%, 1 марта - 34,5%, 2 марта - 38,2%, ≥3 марта - 9,2%, қовуқнинг гиперфаол терапиясиз андроген деприватив терапия гуруҳида: 0 марта - 20,0%, 1 марта - 33,3%, 2 марта - 36,7%, ≥3 марта - 10,0%.

Тўсатдан келган пешоб чиқариш истагини кечиктира олмаслик туфайли пешоб оқиб кетиши частотаси: барча гуруҳларда пешоб оқиб кетиши тахминан тенг тақсимланади, лекин кўпинча иштирокчиларда ҳафтада бир

марта ёки кўпроқ аломатлар пайдо бўлади.

2-жадвал

Тадқиқот гуруҳлари ўртасида терапиядан олдин пешоб чиқариш кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилиш

Мезон	Асосий гуруҳ (n=65)			Назорат гуруҳи (n=55)			ҚҒФ терапиясиз АДТ гуруҳи (n=30)		
	abs	M±m,%	P	abs	M±m,%	P	abs	M±m,%	P
Эрталаб уйғонишдан ётишгача бўлган пешоб чиқариш сони									
<=7	21	32,31±5,8	$\chi^2 = 9,262; p = 0,010$	17	30,91±6,23	$\chi^2 = 5,491; p = 0,064$	9	30±8,37	$\chi^2 = 4,200; p = 0,122$
8-14	32	49,23±6,2		26	47,27±6,73		15	50±9,13	
>=15	12	18,46±4,81		12	21,82±5,57		6	20±7,3	
P	Пирсоннинг Хи-квадрати = 0,245; p = 0,993								
Хожатхонага бориш туфайли кечаси эрталабгача уйғонишлар сони									
0	14	21,54±5,1	$\chi^2 = 9,769; p = 0,021$	10	18,18±5,2	$\chi^2 = 12,418; p = 0,006$	6	20±7,3	$\chi^2 = 5,467; p = 0,141$
1	21	32,31±5,8		19	34,55±6,41		10	33,33±8,61	
2	23	35,38±5,93		21	38,18±6,55		11	36,67±8,8	
>=3	7	10,77±3,84	5	9,09±3,88	3	10±5,48			
P	Пирсоннинг Хи-квадрати = 0,360; p = 0,999								
Пешоб чиқаришнинг тўсатдан пайдо бўлишини кечиктира олмаслик туфайли пешоб оқиши частотаси									
йўқ	7	10,77±3,84	$\chi^2 = 12,077; p = 0,034$	6	10,91±4,2	$\chi^2 = 6,636; p = 0,249$	4	13,33±6,21	$\chi^2 = 1,600; p = 0,901$
хафтасига 1 мартадан кам	11	16,92±4,65		8	14,55±4,75		5	16,67±6,8	
хафтасига 1 марта ёки кўпроқ	15	23,08±5,23		13	23,64±5,73		6	20±7,3	
тахминан кунига 1 марта	18	27,69±5,55		14	25,45±5,87		7	23,33±7,72	
кунига 2~4 марта	10	15,38±4,48		8	14,55±4,75		4	13,33±6,21	
кунига 5 марта ва ундан кўп	4	6,15±2,98		6	10,91±4,2		4	13,33±6,21	
P	Пирсоннинг Хи-квадрати = 1,955; p = 0,997								

Асосий гуруҳда: йўқ - 10,8%, ҳафтада бир мартадан кам-16,9% , ҳафтада бир марта ёки ундан кўп - 23,1%, назорат гуруҳида: йўқ-10,9%, ҳафтада бир мартадан кам-14,5%, ҳафтада бир марта ёки ундан кўп-14,5%, қовукнинг гиперфаол терапиясиз андроген деприватив терапия гуруҳида: йўқ - 13,3%, ҳафтада бир мартадан кам - 16,6%, ҳафтада бир марта ёки ундан кўп - 20,0%, кунига бир марта-23,3%, кунига 2~4 марта - 13,3%, кунига 5 марта ёки ундан кўп-13,3% .

Уйғонишдан уйкуга қадар пешоб чиқариш сони: асосий гуруҳда ≤ 7 пешоб чиқарувчи иштирокчилар фоизи терапиядан кейин 32,3% дан 66,2% гача ошди.

Назорат гуруҳида ҳам, терапиядан кейин 30,1% дан 43,6% гача яхшиланишни кўрсатди. қовукнинг гиперфаол терапиясиз андроген деприватив терапия гуруҳида 30,0% дан 36,7% гача биров яхшиланишни кўрсатди.

Хожатхонага ташриф буюриш туфайли тунда уйғонишлар сони: асосий гуруҳ терапиядан сўнг тунда 0 уйғонишни бошдан кечираётган иштирокчилар фоизини 21,5% дан 55,4% гача яхшиланди.

Назорат гуруҳида ҳам, терапиядан кейин 18,2% дан 29,1% гача яхшиланишни кўрсатди. қовукнинг гиперфаол терапиясиз андроген деприватив терапия гуруҳида 20% дан 23,3% гача биров яхшиланишни кўрсатди.

Иккала гуруҳда ҳам симптомларнинг босқичма-босқич яхшиланиши қайд этилди. 1-гуруҳда симптомлар бўлмаган беморларнинг улуши 6 ойлик терапиядан сўнг 36,9%дан 53,8% гача, 2-гуруҳда эса бу кўрсаткич 23,6% дан 36,4% гача ошди.

Олдинги пешоб чиқаришдан кейин икки соатдан камроқ вақт ўтгач пешоб чиқариш частотасида ҳам пасайиш кузатилди Мисол учун, 1-гуруҳда бу аломат 3 ойдан кейин 46,2% дан 6 ойдан кейин 61,5% гача яхшиланди, 2-гуруҳда эса бу кўрсаткич 30,9% дан 43,6% гача ошди.

Асосий гуруҳ беморларида 6 ойлик терапиядан сўнг интермиттентликни ўрта ифодаланган симптомлари 49.2% дан 36.9% гача камайди, 2-гуруҳда эса бу кўрсаткич 36.4% дан 27.3% гача камайди.

Шундай қилиб, 6 ойлик терапиядан кейинги маълумотлар простата беши саратони ва қовукнинг гиперфаоллиги бўлган беморларда даволаниш самарадорлиги учун қулай йўналишни кўрсатади.

Ижобий натижалар ушбу беморларнинг ҳаёт сифати ва соғлиғини янада яхшилаш учун тадқиқотларни давом эттириш ва амалий ёндашувларни персоналлаштириш зарурлигини қўллаб-қувватлайди.

Даволашдан 6 ойдан сўнг тадқиқот гуруҳлари орасида пешоб чиқариш кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили

Мезон, 6 мес	Асосий гуруҳ (n=65)			Назорат гуруҳи (n=55)			ҚГФ терапиясиз АДТ гуруҳи (n=30)		
	abs	M±m,%	P	abs	M±m,%	P	abs	M±m,%	P
Эрталаб уйғонишдан ётишгача бўлган пешоб чиқариш сони									
<=7	43	66,15±5,87	$\chi^2=4,831; p=0,000$	24	43,64±6,69	$\chi^2=8,764; p=0,013$	11	36,67±8,8	$\chi^2=2,600; p=0,273$
8-14	17	26,15±5,45		23	41,82±6,65		13	43,33±9,05	
>=15	5	7,69±3,31		8	14,55±4,75		6	20±7,3	
P	Пирсоннинг Хи-квадрати = 10,045; p = 0,040								
Хожатхонага бориш туфайли кечаси эрталабгача уйғонишлар сони									
0	36	55,38±6,17	$\chi^2=37,462; p=0,000$	16	29,09±6,12	$\chi^2=11,400; p=0,010$	7	23,33±7,72	$\chi^2=6,533; p=0,088$
1	13	20±4,96		18	32,73±6,33		10	33,33±8,61	
2	14	21,54±5,1		18	32,73±6,33		11	36,67±8,8	
>=3	2	3,08±2,14	3	5,45±3,06	2	6,67±4,55			
P	Пирсоннинг Хи-квадрати = 12,757; p = 0,047								
Пешоб чиқаришнинг тўсатдан пайдо бўлишини кечиктира олмаслик туфайли пешоб оқиши частотаси									
йўқ	36	55,38±6,17	$\chi^2=61,231; p=0,000$	18	32,73±6,33	$\chi^2=19,291; p=0,002$	3	10±5,48	$\chi^2=3,600; p=0,608$
ҳафтасига 1 мартадан кам	17	26,15±5,45		12	21,82±5,57		6	20±7,3	
ҳафтасига 1 марта ёки кўпроқ	6	9,23±3,59		10	18,18±5,2		7	23,33±7,72	
тахминан кунига 1 марта	4	6,15±2,98		10	18,18±5,2		7	23,33±7,72	
кунига 2~4 марта	2	3,08±2,14		3	5,45±3,06		4	13,33±6,21	
кунига 5 марта ва ундан кўп	0	0±0		2	3,64±2,52		3	10±5,48	
P	Пирсоннинг Хи-квадрати = 30,538; p = 0,001								

Диссертациянинг “Простата беги саратони беморларида қовук гиперфаоллигини баҳолашда уродинамик кўрсаткичларни таҳлил қилиш” деб номланган тўртинчи бобида барча гуруҳларда иштирокчиларнинг пешоб чиқариш функциясининг дастлабки ҳолатини баҳолаш учун терапия бошланишидан олдин, 1, 3 ва 6 ойлик терапиядан кейинги ўлчовлар ўтказилди. Урофлоуметрик параметрларни таҳлил қилиш қуйидагиларни ўз ичига олди: пешоб оқимининг максимал ҳажмли тезлиги (Q_{max}), пешоб чиқариш тезлиги, пешобнинг қолдиқ ҳажми, оқимнинг ўртача ҳажмли тезлиги, оқимнинг тезлашиши, урофлоуметрик индекс, пешоб чиқариш вақти, пешоб ажратиш вақти, максимал оқимга эришиш вақти, пешоб чиқаришни кутиш вақти.

4-жадвал

Терапия ўтказилишидан олдин турли хил тадқиқот гуруҳларидаги беморларда урофлоуметрик параметрларнинг қиёсий таҳлили ($M \pm \sigma$)

Мезон, даводан олдин	Асосий гуруҳ (n=65)	Назорат гуруҳи (n=55)	ҚҒФ терапиясиз АДТ гуруҳи (n=30)
Пешоб оқимининг максимал ҳажмли тезлиги	45,65±6,56	46,38±4,95	44,57±6,71
Пешоб чиқариш ҳажми (мл)	225,71±34,78	221,64±34,58	222,77±36,64
Қолдиқ ҳажм (мл)	19,03±6,69	17±5,98	17,97±4,07
Оқимнинг ўртача ҳажмли тезлиги	25±4,02	26±3,46	25±5,23
Оқимнинг тезлашиши	12,11±4,84	11,15±2,99	11,51±2,29
Урофлоуметрик индекс	0,55±0,18	0,52±0,19	0,53±0,14
Пешоб чиқариш вақти	8,02±3,32	7,98±2,45	8,07±2,24
Пешоб ажратиш вақти	7,97±3,51	8±2,41	7,93±1,86
Максимал оқимга эришиш вақти	3±0,93	3±0,84	3±0,84
Пешоб чиқаришни кутиш вақти	2,58±0,63	2,5±0,89	2,5±0,68

Пешоб оқимининг максимал ҳажмли тезлиги қийматлари асосий гуруҳ учун 45,65±5,1 мл/с, назорат гуруҳи учун 46,38±4,7 мл/с ва қовукнинг гиперфаол терапиясиз андроген деприватив терапия гуруҳи учун 44,58±5,3 мл/с ни ташкил этди. Статистик таҳлил гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқларни аниқламади ($p > 0,05$).

Пешоб чиқариш ҳажмининг ўртача қийматлари таққосланадиган эди: асосий гуруҳ учун 225,71±32,8 мл, назорат гуруҳи учун 221,64±29,4 мл, ва қовукнинг гиперфаол терапиясиз андроген деприватив терапия гуруҳи учун 222,71±30,8 мл ($p > 0,05$).

Олдинги вақтинча нуқталари билан таққослаганда, пешоб оқимининг максим андроген деприватив терапия ал ҳажмли тезлиги (Q_{max}) иккала гуруҳда ҳам пасайишда давом этди: асосий гуруҳда 31,24±2,9 мл/с гача ва назорат гуруҳида 34,1±3,5 мл/с гача, андроген деприватив терапия гуруҳида эса қовукнинг гиперфаол терапиясиз 35,64±3,1 мл/с.

Терапиядан 6 ой ўтгач, турли тадқиқот гуруҳларидаги беморларда урофлоуметрик параметрларнинг қиёсий таҳлили (M±σ)

Мезон, 6 мес	Асосий гуруҳ (n=65)	Назорат гуруҳи (n=55)	ҚГФ терапиясиз АДТ гуруҳи (n=30)
Пешоб оқимининг максимал ҳажмли тезлиги (Q max)	31,24±3,76	34,1±4,72	35,64±3,79
Пешоб чиқариш тезлиги (мл)	225,78±24,86	218,67±23,5 7	220,73±22,3 2
Қолдиқ ҳажм (мл)	2±0,77	9,98±2,67	10,97±2,55
Оқимнинг ўртача ҳажмли тезлиги	18,3±2,37***Δ	20±3,31 ^x	23,11±2,67
Оқимнинг тезлашиши	5,9±2,86	9±2,9	10,8±2,83
Урофлоуметрик индекс	0,9±0,19	7,5±1,02	0,68±0,13
Пешоб чиқариш вақти	12±3,14	8,96±2,49	9,03±2,27
Пешоб ажратиш вақти	12,03±2,77	8,98±2,61	10±2,33
Максимал оқимга эришиш вақти	5,5±0,92	3,9±1,15	3,8±1,2
Пешоб чиқаришни кутиш вақти	2,4±0,78	2,2±0,57	2,3±0,68

Асосий гуруҳда уретра ёпилишининг максимал босими индекси асосий гуруҳда 105,45±43,11, назорат гуруҳида эса 92,11± 33,24 ва қовуқнинг гиперфаол терапиясиз андроген деприватив терапия гуруҳида 84,11 ± 39,14 ни ташкил этди. Асосий гуруҳдаги беморларда бошқа гуруҳларга нисбатан ўртача MUCP қиймати юқори бўлган. Асосий гуруҳ беморлари терапиядан сўнг MUCPнинг сезиларли яхшиланишни кўрсатдилар ва бу уретрал сфинктер мушакларининг кучайганлиги ва унинг функционаллигининг ошганлигини кўрсатиши мумкин.

3 ойлик даволанишдан кейин цистометриядаги ўзгаришларни умумлаштириб, беморларда пешоб тизимининг функционаллигини яхшилашнинг ижобий тенденцияларини кўриш мумкин. Бу ўзгаришлар ўтказилган даволаш самарадорлигини ва простата беzi саратони билан ушбу туркумга кирувчи беморларнинг қовуқ гиперфаоллиги параметрларига унинг ижобий таъсирини кўрсатади.

Шундай қилиб, натижалар простата беzi саратони ва қовуқ гиперфаоллиги бўлган беморларда уродинамик параметрлардаги фарқларни кўрсатади, бу эса энг яхши даволаш стратегиясини танлаш учун қўшимча таҳлил ва талқинни талаб қилади.

**Терапия бошланишидан олдин тадқиқот гуруҳларидаги беморларда
цистометрия параметрлари ва пешоб чиқариш тизимининг функционал
бузилишларининг хусусиятлари (M±σ)**

Мезон, даводан олдин	Асосий гуруҳ (n=65)	Назорат гуруҳи (n=55)	ҚГФ терапиясиз АДТ гуруҳи (n=30)
MUCP (уретра ёпилишининг максимал босими)	75,95±34,61	73,61±22,29	74,73±18,78
FDV (пешоб чиқаришга биринчи истак)	83,25±25,68	84,25±24,31	82,47±21,33
NDV (пешоб чиқаришга меъёрий истак)	125,17±25,59	121,78±43,05	123,8±21,59
Пешоб чиқаришга кучли истак	173,48±47,23	174,2±42,44	173,87±47,91
C max (максимал цистометрик сифим)	186,74±80,9	188,61±49,28	189,53±49,3
Детрузорнинг гиперфаоллиги	57/87,69	46/83,64	25/83,33
P	Пирсоннинг Хи-квадрати = 0,511; p = 0,774		
Пешоб чиқаришнинг анормал намунаси	47/72,31	38/69,09	21/70,0
